**Тўлов-шартнома (уч томонлама шартнома) асосида мутахассис тайёрлашга**

**ШАРТНОМА №__________**

Тошкент ш. «___»__________201___ йил.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2012 йил 28 декабрдаги 508-сон «Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 26.02.2013 й. 2431-сон билан рўйхатга олинган) билан тасдиқланган Низомга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон "Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига мувофиқ, бир томондан **Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти (**бундан буён «**Таълим муассасаси**» деб номланади**)** номидан **ректор И.Ж.Юлдашев** бир томондан,

______________________________________________________________________

(юридик шахснинг номи)

(кейинги ўринларда «**Буюртмачи**» деб аталади) номидан

______________________________________________________________ иккинчи томондан

(раҳбарнинг лавозими, фамилияси, исми-шарифи)

ва ________ йилда туғилган, __________________________________________ манзилида яшовчи

______________________________________________________________ учинчи томондан

(талабанинг фамилияси, исми-шарифи)

______________________________________________________________________ бўйича

(таълим йўналиши (мутахассислик) номи)

бакалавр, магистр қилиб тайёрлаш тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

## I.ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**1.Таълим муассасаси:**

- Ўқитиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим муассасаси уставида назарда тутилган зарур шарт-шароитларни яратиш;
- талабаларга қонун билан берилган ҳуқуқларнинг эркин амалга оширилишини ва таълим муассасаси уставига мувофиқ мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;
- мутахассисни тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ давлат таълим стандарти талаблари даражасида тайёрлаш;
- ҳар ойда ўрнатилган муддат ва тартибда стипендия тўловларини амалга ошириш(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 27 мартда рўйхат рақами 2431-2 билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 27 февраль, 4-2018-сонли буйруғи асосида);
- бошланадиган ўқув семестрида ўқитиш учун тўловнинг белгиланган миқдори тўғрисида ўз вақтида (ўқув жараёни бошланишидан бир ой олдин) хабар бериш;
- ***энг кам иш ҳақи миқдори ёки тарифлар ўзгарганда таълимнинг қолган муддати учун тўлов миқдори тегишли равишда ўзгартирилади***;
- томонларнинг розилигига кўра қуйидаги бошқа шартларни бажариш мажбуриятини олади:

______________________________________________________________________

**2.Буюртмачи (юридик шахс):**

-жорий ўқув йили учун белгиланган ўқитишнинг тўлиқ қийматини ўз вақтида (ҳар ойда тўланадиган стипендия билан биргаликда) тўлаш;

**2018 - 2019** ўқув йили учун тўлов суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг _______ баробари миқдорида

______________________________________________________________________сўм.

- ***Ўқиш учун тўлов ҳақини 100 фоиз 2018 йил 15 сентябргача тўлаш***;
- энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ёки тарифлар ўзгарганда, ўқишнинг қолган муддати учун бир ой муддат ичида таълим муассасаси тўлов-шартномаларига тегишли ўзгаришлар киритиш;
- таълим йўналишлари (мутахассисликлари) ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқариш, диплом олди амалиёти ўтиш ва шу даврда талабани ҳақ тўланадиган штат лавозимида ишлашга шароит яратиш, келгусида иш жойи ва унинг хусусияти билан таништириш;

______________________________________________________________________га ўқишни

(фамилияси, исми-шарифи)

тугатиши билан____разряд бўйича_________ойлик иш ҳақи билан ______________ лавозим бериш;

- томонларнинг келишувига кўра қуйидаги бошқа шартларни бажариш мажбуриятларини олади:

______________________________________________________________________

**3.Талаба**___________________________________ ___________________________________

(фамилияси, исми-шарифи) (таълим йўналиши (мутахассислик) номи)

мутахассислик йўналишининг тегишли малака тавсифномасида назарда тутилган, шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ мустақил касб-ҳунар фаолиятини бажаришга зарур бўлган барча билимларни эгаллаш;

- томонларнинг келишувига кўра қуйидаги бошқа шартларни бажариш мажбуриятини олади:

Таълим муассасасида ўқишни тугатиб ________________________________ да
(корхонанинг номи)

________________________________ ишлаб бериш;
(иш муддати кўрсатилади)

Таълим муассасасининг абитуриентни ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруғи, ўқитиш учун тўлов амалга оширилгандан сўнг, бир ойлик муддатдан кечиктирилмасдан чиқарилади.

## II.ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

1. Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг ўзаро розилиги билан;
- таълим муссасаси уставига мувофиқ маъмуриятнинг ташаббусига кўра таълим олувчи ўқишдан четлаштирилганда;
- томонлардан бирининг шартнома шартларини бажармаганида;
- узрли сабаблар билан таълим олувчининг ташаббусига кўра;
- таълим муассасаси ёки буюртмачи-ташкилот тугатилганида. Ушбу ҳолда тегишли томонлар ўртасида янги шартнома расмийлаштирилади;
- амалдаги қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолларда.
2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг келишувига асосан киритилади.
3. Томонлар ўртасида пайдо бўладиган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

Шартнома барча томонлар уни имзолаган кундан бошлаб кучга киради.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ: Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**
**Почта манзили: Тошкент шаҳри, Яланғоч дахаси, 127-“А” уй, тел. 0 (371) , 230-28-22 факс: 230-28-15**
Тўлов реквизитлари: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Банк номи: Хисоб Китоб Касса Маркази Марказий банк Бош бошқармаси Тошкент шаҳри
Ҳисоб рақами: 23 402 000 300 100 001 010 ; МФО-00014; ИНН-201122919**;**
***Тўлов мақсадига қуйидагилар ёзилиши шарт: ЎзДСМИ л/с 4009 1086 0262 6979 5010 0056 003; ИНН-302339722;***

***20___йил «____»__________даги №______- сонли шартномага асосан Ф.И.Ш.нинг ўқиши учун тўлов.***

**БУЮРТМАЧИ:** ________________________________
**Почта манзили, тел.:**________________________________
**Тўлов реквизитлари**________________________________

### ТАЛАБА

**Ф.И.Ш.** ________________________________
**Почта манзили, тел.:**________________________________
**Паспорт серияси** ________________ **рақами** ________________
________________________________
(паспорт ким томонидан ва қачон берилган)

### ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

**УзДСМИ ректори** __________
(имзо)

**М.У.**

**Бош ҳисобчи** ______________
(имзо)

**Маъсул ходим** ______________
(имзо)

**Хуқуқшунос** ______________
(имзо)

**Буюртмачи - раҳбар** ________________________
________________________ __________
(Ф.И.Ш.) (имзо )

**М.У.**

**Бош ҳисобчи** ________________________
________________________ __________
(Ф.И.Ш) (имзо)

**Талаба** ________________________________ __________
(Ф.И.Ш) (имзо)

**ЭСЛАТМА: Хар бир талаба (магистрант, абитуриент) пул тўлаганлик хакида банк тасдикномасини ва шартноманинг бир нусхасини Маркетинг хизмати бўлимига ўз вактида буйрукларни расмийлаштириш учун топшириши шарт! Акс холда пул тўлаганлик хисобга ўтмайди.**

3 том ошир